

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**108 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ–4861-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ–2666-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 21 февраль,  
ПФ–4965-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 21 февралдаги  
ПФ–4965-сонли Фармонига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сонли Фармони билан тасдиқланган республика давлат бошқаруви органлари Рўйхатининг II бўлими қуйидаги мазмундаги 10-банд билан тўлдирилсин:

«10. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Малайзия фуқаролари учун виза тартибини соддалаштириш тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ–476-сонли қарори I-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистонга сайёҳ сифатида, шунингдек, зиёрат учун келадиган Малайзия фуқароларига сайёҳлик ваучерларини ёки сайёҳлик ташкилотларининг таклифномаларини тақдим этиш талаби бекор қилинган ҳолда, 1 ой

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й.*

муддатгача бўлган кўп марталик визаларни ҳужжатлар қабул қилинган кун ҳисобга олинмасдан 2 иш кунни мобайнида расмийлаштирсин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таиланд Қироллиги фуқаролари учун виза тартибини соддалаштириш тўғрисида» 2012 йил 23 августдаги ПҚ–1808-сонли қарорининг 1-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистонга сайёҳ сифатида келадиган Таиланд Қироллиги фуқароларига сайёҳлик ташкилотларининг сайёҳлик ваучерларини тақдим этиш талаби бекор қилинган ҳолда, 1 ой муддатгача бўлган кўп марталик визаларни ҳужжатлар қабул қилинган кун ҳисобга олинмасдан 2 иш кунни мобайнида расмийлаштирсин».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ–1843-сонли қарорининг 2-иловасида:

а) «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари» бўлими қўйидаги мазмундаги 18<sup>1</sup>-банди билан тўлдирилсин:

«

18 <sup>1</sup> . Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	Лицензиялар бериш фактлари тўғрисида маълумот, шунингдек, уларни бекор қилиш, туристик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи саъй-ҳаракатни тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақида маълумот.
--	--

».

б) «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги комиссияларнинг ишчи органлари» бўлимининг 32-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чехия Республикаси фуқаролари учун виза тартибини соддалаштириш тўғрисида» 2014 йил 6 февралдаги ПҚ–2122-сонли қарори 1-бандининг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистонга сайёҳ сифатида келадиган Чехия Республикаси фуқароларига сайёҳлик ваучерларини ёки сайёҳлик ташкилотларининг таклифномаларини тақдим этиш талаби бекор қилинган ҳолда, бир ой муддатгача».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижда Ўзбекистон Республикасининг туристик ва маданий-тарихий салоҳиятини тарғиб қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 9 июндаги Р–4287-сонли фармойиши:

а) 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Туристтик соҳани кўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан туризм соҳаси ва унинг инфра-тузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг норезидентларидан харид қилинган хизматлар (ишлар) бўйича қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин».